



# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 19 март, № 54 (4969)

Жума

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

## Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбоевнинг ҚЎШМА БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг тақлифига биноан 2010 йил 16-17 март кунлари Қозоғистон Республикаси Президенти Н. А. Назарбоевнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи бўлиб ўтди.

Давлатлар раҳбарлари Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим масалаларини, Марказий Осиё минтақасидаги ва унинг атрофидаги вазиятни, шунингдек, ўзаро қизиқувчан уйғотадиган долзарб халқаро муаммоларни ҳар томонлама муҳокама қилиб, давлатлараро мулоқотнинг эришилган даражасидан мамнун эканликларини изҳор этиб ва миллий манфаатлар ва ҳозирги шароитни ҳисобга олган ҳолда, ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга икки томон ҳам интилаётганини тасдиқлаб, Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 1998 йил 31 октябрда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома қоидаларига амал қилиб, икки мамлакат халқларининг тарихий ва маданий муштараклигидан келиб чиқиб, қўйилган баён қилдилар:

1. Давлатлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида олий даражадаги мулоқотни ривожлантириш ва чуқурлаштиришга, икки томонлама ва кўп томонлама хусусиятга эга бўлган долзарб масалалар бўйича очик фикр алмашинишга, икки давлат халқларининг тўб манфаатларига мос келадиган, Марказий Осиё минтақасини барқарорлигини ривожлантириш ҳамда халқаро ва минтақавий барқарорликнинг муҳим омилли ҳисобланган йўналишларни биргаликда белгилашга ва самарали ҳамкорликка муҳим аҳамият қаратадилар.

2. Президентлар икки томонлама ҳамкорлик ва Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 2007 — 2016 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегиясини изчил амалга ошириш механизми ривожлантиришда икки давлатнинг интилишларини таъкидлайдилар.

3. Томонлар икки томонлама савдо соҳасида ижобий тенденция мавжудлигини қайд этиб, ўзаро инвестицияларни ва банклараро алоқаларни рағбатлантириш, шунингдек, транзит ва транзит коммуникацияларини ривожлантириш бораси-

да самарали ҳамкорликни таъминлаш орқали энг қулай шароитлар яратиб беришда кўмаклашиш ниятида эканликларини баён қилдилар.

Томонлар Туркманистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой газ магистралининг қурилиши ва ишга туширилишини минтақа мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлигининг янги йўналиши очилиши ва аънавий яхши қўшничилик муносабатларини янада кенгайтириш ҳамда чуқурлаштиришга хизмат қиладиган минтақавий ҳамкорликнинг муваффақиятли мисоли сифатида қайд этидилар.

4. Томонлар миллий хавфсизлик манфаатларидан келиб чиқиб, минтақада барқарорликни таъминлаш масалаларига муҳим аҳамият бериб, тегишли халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида икки ва кўп томонлама асосда халқаро терроризмга, сиёсий, диний ва бошқа турдаги экстремизмга, наркотрафикка, трансмиллий уюшган жиноятчиликка, ноқонуний қурол-яроғ савдоси ва нолегал миграцияга қарши курашишда ҳамкорликни мустаҳкамлашга тайёрлигини тасдиқлайдилар.

Ушбу мақсадларда Ўзбекистон ва Қозоғистон тегишли тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш бўйича барча зарур чора-тадбирларни кўрадилар, бунга минтақада барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид ва хавфхатарларнинг олдини олиш бўйича махсус дастурлар, шу жумладан, БМТ Хавфсизлик кенгаши Аксилтеррор кўмитаси, ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ва МДХ Аксилтеррор маркази доирасидаги дастурлар қиради.

5. Томонлар Афғонистонда тезроқ тинчлик ўрнатиш ва вазиятни барқарорлаштириш муҳимлигини тасдиқлайдилар. Минтақада жойлашган мамлакатлар ва халқаро тузилмалар иштирокида Афғонистон масалалари бўйича музокара жараёнларини фаоллаштиришга мўлжалланган самарали механизмлар яратиш борасидаги ташаббусларнинг аҳамияти муҳимлигини қайд қилдилар.

6. Томонлар минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, кенг қўламли иқтисодий лойиҳаларни, шу жумладан, транзит-коммуникация тизими соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш воситаси сифатида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг салоҳиятини юксалтириш ва мустаҳкамлаш масалаларига

ёндашувлари ўхшашлигини таъкидлайдилар.

Томонлар ШХТ фаолиятининг устувор йўналишлари самарадорлигини ошириш масалалари бўйича икки томонлама ҳамкорлик ушбу Ташкилот ишини фаоллаштиришга ва халқаро нуфузини оширишга ижобий таъсир кўрсатади, деган фикрдан келиб чиқадилар.

7. Президентлар Марказий Осиёда сув-энергетика масалаларини муҳокама қилдилар ва бу соҳадаги муаммоларни, шу жумладан, трансчегаравий дарёларда янги гидроэнергетик иншоотлар қуриш масалаларини халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига мувофиқ ва минтақадаги барча давлатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш зарурлигини таъкидлайдилар.

Томонлар минтақадаги барча давлатлар экологик ва техноген хавфсизлигини таъминлашни, шунингдек, трансчегаравий таъсир этадиган янги гидроэнергетик иншоотларни қуришда сув оқимларининг ҳажми ва режимини сақлаш масалаларини мустақил халқаро экспертиза ўтказиш асосида келишиб олишлари зарурлигини таъкидлайдилар.

8. Давлатлар раҳбарлари гуманитар соҳада, шу жумладан, маданият, илм-фан, таълим, ахборот соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилишда, жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда, маданият-ахборот марказлари фаолиятини рағбатлантиришда ҳамкорликнинг аҳамияти муҳимлигини қайд қилдилар.

9. Президентлар бўлиб ўтган самарали музокара, шунингдек, ташриф давомида имзоланган муҳим икки томонлама ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ўрнатилган аънавий дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга кўмаклашишга ишонч билдирдилар.

10. Қозоғистон Республикаси Президенти Н. А. Назарбоев Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга, бутун Ўзбекистон халқига Қозоғистон делегациясига қўрсатилган самимиий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзи учун қулай вақтда Қозоғистонга ташриф буюришга таклиф қилди. Ташриф мuddати дипломатик каналлар орқали келишилади.

## ИСТИҚЛОЛНИНГ БУЮК ҚУДРАТИ

«Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли қурилиши «Аср мўъжизаси» сифатида эътироф этилмоқда.



СУРАТДА: Қумқўрғон темир йўли станцияси оператори Гулшода Холтўраева ва навбатчи Зокир Дўстқошиқов.

### Ифтихор

Истиқлолнинг куч-қудрати, халқимизнинг фидойилиги, бунёдкорлик салоҳияти қандай мўъжизаларга қодир эканлиги ҳаётимизда қайта ва қайта ўз исботини топмоқда. Қашқадарё вилоятининг Тошгузар қишлоғидан бошланиб, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон тумани марказига-ча давом этадиган темир йўли қурилиши бунинг яққол далилларидан биридир. Ҳаётда қисқа вақт ичида барпо этилган мазкур темир йўли элим деб, юртим деб яшашнинг, Ватанимиз ободлиги ва фаровонлиги учун қилинган буюк меҳнат ва кўрсатилган бемисл шижоатнинг маҳабатли ҳайкалдир.

(Давоми 2-бетда).

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

18 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмухамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши тақлиф этган кун тартибини тасдиқладилар.

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов маъруза қилди. Маърузачи «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги амалдаги Қонун 2000 йилда қабул қилинганлигини таъкидлади. Таклиф этилаётган қонун лойиҳасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва уларнинг ижросини таъминлаш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган янги қоидалар киритилмоқда. Шунингдек, қонун лойиҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни экспертизадан ўтказиш масалаларига катта эътибор қаратилган бўлиб, бу қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини анча яхшилаш имконини беради. Қонун лойиҳасига қўра, ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, ижтимоий, илмий ва бошқа турдаги экспертизалар ўтказиш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш чоғида қонун ҳужжатларининг аҳолини,

жамоатчилик фикрини ва халқаро тажрибани ўрганиш зарурлиги тўғрисидаги талаб белгилаб қўйилмоқда. Айрим моддалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг замонда, маконда ва шахслар доираси бўйича амал қилишига бағишланган. Қонун лойиҳасида, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан ўз қучини йўқотган деб топилиши, ўзгартиш ёки қўшимча киритилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари анча кўп бўлган тақдирда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўрсатилган рўйхати, ўзгартиш ва қўшимчалар мустақил ҳужжат билан расмийлаштирилиб, у норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан бир вақтда унинг ишлаб чиқувчиси тақдим этилиши ҳақидаги қонунда ўз ичига олган алоҳида норма бор. Қонун лойиҳасининг махсус боби норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ташкил этиш ва таъминлашга қаратилган.

Қонун лойиҳасининг барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Эко-

логик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари иштирок этган муҳокама жараёнида мамлакатни модернизация қилишнинг қонунчилик йўли билан таъминлаш борасида парламент олдида турган вазифалар асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни экспертизадан ўтказиш тартибининг такомиллаштириш, қабул қилинган қонун ҳужжатларини ўз вақтида ва сифатли ижро этиш муҳимлиги таъкидланди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалда қўлланилиши устидан мониторингни такомиллаштириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Қонунчилик палатаси депутатларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, ҳужжатнинг асосий қоидаларини маъқуллаб ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қўриб чиқиш учун маромига етказишни масъул қўмитага топширди.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси А. Юнусова «Воёга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар,  
янгиликлар,  
хабарлар

АНДИЖОН. Булоқбоши туманилик Юлдузхон Қосимова ишнинг кўзини билладиган тadbиркорлардан. У ўзи раҳбарлик қилаётган «Лочин» корхонаси фаолиятини кенгайтириб, кийим-кечаклар асортиментини янада кўпайтирди.

## Корхона маҳсулотлари — экспортга

Ташқи кўриниши ҳамда сифати жиҳатидан хорижий билим билан беамал рақобатлаша оладиган «Лочин» маҳсулотлари яқиндан бошлаб хорижга ҳам экспортга ҳам чиқариламоқда. Хусусан, тadbиркор аёл россиялик саноатчиларга 150 минг АҚШ долларлик махсус кийимлар етказиб бериш бўйича шартнома имзолади. Эътиборлиси, 22 киши меҳнат қилаётган корхонада ойига ўртача 25 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

ФАРФОНА. Марғилон шаҳридаги «Оршахтекс» кўшма корхонасида кенг қўламли модернизация ишлари амалга оширилган, бу ерда тайёрланаётган трикотаж ва уй-рўзғор буюмлари тури 100 тага етди.

## Ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда

Эътиборлиси, 250 киши меҳнат қилаётган корхонанинг сифатли маҳсулотлари, асосан, хорижга экспорт қилинмоқда. Айни пайтда жамоа ойига ўртача 350 минг АҚШ долларлик маҳсулотини чет эллик миҳозларга етказиб бераётди.

М. МАҲМУДОВ.

НАВОЙ. Тadbиркор Шукрулла Тилабов банкдан олган 44,5 минг АҚШ долларлик кредити ҳисобига хориждан нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатди.

## Учқудуқнинг ширмой нонлари

Айни пайтда у раҳбарлик қилаётган «Учқудуқ иссиқ нон» хусусий корхонасида ойига ўртача 20 миллион сўмлик 60 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланмоқда. Эътироф этиш керакки, тadbиркор саъй-ҳаракати билан 12 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ҚИШЛОҚ ЁШ ТАДБИРКОРЛАРИНИНГ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан ташкил этилган «Қишлоқ жойларда тadbиркорликни ривожлантиришда ёшлар салоҳиятини фойдаланиш» мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида қайд этиб ўтилганидек, мамлакатимиз Президентини раҳбарлигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ёш авлоднинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, йигит ва қизларда Ватан тақдирига, унинг ҳозирги кунини ва


келажагига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, мустақил ва янгича фикрлайдиган ёшларни тарбиялашдан иборат. Мамлакатимизда амалга оширилаётган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Ушбу Дастур мамлакатимизда

соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларга ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун зарур имконият ва шароит яратиш, шунингдек, мамлакатимиз йигит-қизларини ҳар томонлама етук, ХХI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган шахслар қилиб шакллантириш борасидаги аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирлар комплексини назарда тутди. Дастурда қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш

ҳамда ёшларнинг салоҳиятини ана шу соҳага кенг жалб этиш учун зарур шароит яратиш масалалари алоҳида ўрин олган. Ҳозир кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик соҳасида мамлакатимиз фаол аҳолисининг 70 фоизидан кўпроги банд бўлиб, меҳнат фаолиятининг ушбу йўналиши аҳолининг кўпчилиги учун асосий даромад манбаига айланди. Фермер ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш, қурилиш ва коммуникациялар, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини тех-

нологик қайта ишлаш ва шу каби бошқа соҳаларда тadbиркорлик фаолияти билан муваффақиятли шуғулланаётган қишлоқ ёшларининг сафи кенгайиб бормоқда. Масалан, Сирдарё вилоятида ҳозирги кунда 5152 та кичик бизнес субъекти иш олиб бормоқда. Уларда қишлоқ жойларда яшаётган 18 ёшдан 28 ёшгача бўлган 1700 нафар йигит ва қиз тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда.

(Давоми 2-бетда).



# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

лойихаси вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини органлари ва муассасаларини, улар фаолиятининг асосий вазифалари, принциплари ва йўналишларини, вояга етмаганлар ва уларнинг оилалари билан яқин алоқадор профилактика ишларининг асослари ва уларни ташкил этиш тартибини, ижтимоий ҳавфи ҳолатда бўлган вояга етмаганлар ҳуқуқий мақомини, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик реабилитация қилиниши тартибини белгилашди.

Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида депутатлар вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, болаларни ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, ёш авлод учун ота-оналар ва васийлик органларининг жавобгарлигини ошириш масалаларининг аниқ тартибга солиниши муҳим эканлигини кўрсатиб ўтдилар. Муҳокамада таъкидландики, ушбу қонун лойиҳасининг долзарблиги мамлакатимизда Баркамол авлод йили деб эълон қилинган йилда, айниқса, муҳимдир.

гарлик жорий этилиши назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш пайтида депутатлар ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, болаларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар самардорлигини ошириш, ёш ав-

ланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш лицензияланиши керак.

Муҳокама пайтида депутатлар пиротехника воситалари муомаласи устидан самарали давлат назоратининг, фуқаролар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишининг, жамоатчилик ҳавфсизлиги таъминланиши-

Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш пайтида депутатлар таъкидладиларки, давлатимиз мустақил ривожланишининг дастлабки кунлариданоқ аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор қаратмоқда. Бу жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига қарамай, мустақил Ўзбекистоннинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётган энг муҳим устувор йўналишларидан биридир.

Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини тасдиқлади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Депутатлар Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Х. Маматов томонидан тақдим этилган «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамада техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунга ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар. Ҳужжат аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги атамалар ва тушунчалар бир хилда талқин қилиниши зарурлиги муносабати билан ишлаб чиқилган. Жумладан, амалдаги Қонун матнида «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ аниқлаштирилиши зарур бўлган, умумий нутқ муомаласидан чиқиб кетган айрим таърифлар мавжуд.

Депутатлар томонидан муҳокама пайтида билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва ҳужжатни кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни масъул қўмитага топшириб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

(Ў.А.)

## ҚИШЛОҚ ЁШ ТАДБИРКОРЛАРИНИНГ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давра суҳбати қатнашчилари қишлоқда тадбиркорликни ривожлантиришда ёшларнинг салоҳиятидан фойдаланиш каби муҳим вазифага дахлдор бўлган кенг доирадаги масалаларни муҳокама қилдилар. Амалдаги қонунларга ва норматив ҳужжатларга қишлоқда тадбиркорликни мустақамлашга, шунингдек, бу йилдаги хали ҳам мавжуд бўлган тўсиқларни бартараф этишга йўналтирилган, давр талабларига мос ўзгариш ва қўшимчалар киритиш хусусида фикрлашди. Ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти соҳасида олган замонавий билим ва кўникмаларини муваффақиятли қўллаш, кўп жиҳатдан, ўқув муассасаларининг ўқув режалари ва дастурларини доимий равишда такомиллаштириб бориб, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг талаблари билан ҳамбарчас боғлаш, қишлоқ ёшларининг ташаббусларини ва бошлаган ишларини амалда қўллаб-қувватлашга боғлиқ эканлигига алоҳида эътибор берилди.

Масалани муҳокама қилиш асносида давра суҳбати қатнашчилари иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг гоят муҳим йўналиши, аҳоли даромадларини ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси сифатида қишлоқ жойларда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини янада рағбатлантириш, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, қишлоқ

ёшларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш учун шароит яратиш, уларга тегишли имтиёз ва преференциялар бериш зарурлигини алоҳида кўрсатиб ўтдилар. Ушбу масалаларни ҳал қилиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари, корхоналар ва ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, банк муассасалари, ўқув юртли раҳбарларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқаларнинг катта қуч-ғайрати ва масъулияти талаб қилиниши таъкидлаб ўтилди.

Давра суҳбати якуни бўйича унинг иштирокчилари томонидан тегишли таъясилар қабул қилинди.

Тадбирда сенаторлар, Сирдарё вилояти халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашларининг депутатлари, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Марказий банкнинг вилоят бош бошқармалари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Сирдарё вилояти бўйича ҳудудий бошқармаси, Сирдарё вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти, Тошкент иқтисодиёт универсиетети олимлари ва мутахассислари, жамоат бирлашмаларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

(Ў.А.)

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Кеча Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида жиноятчиликка қарши кураш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Марказ директори, профессор А. Саидов бошқарган анжуманда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд органларининг прокуратура, суд, ички ишлар органларининг вазифалари, Адвокатлар палатаси ва бу борада фуқаролик жамияти институтларининг ўрнига бағишланган масалалар муҳокама этилди.

Мустақиллик йилларида жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини модернизациялаш ва либераллаштиришга йўналтирилган ислохотлар амалга оширилди, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи миллий ҳуқуқий база шакллантирилди. Хусусан, жиний жазоларни либераллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижрора кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилганлигини таъкидлаш лозим.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни янги тахрирда қабул қилинди. «Судлар тўғрисида»ги янги Қонуннинг қабул қилиниши суд

ҳокимияти мустақиллигини янада кучайтирди ҳамда инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишда суд органларининг ролини амалда кенгайтирди. Инсон манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтлари ролининг ошириб борилиши, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

### Анжуман

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатурани янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан амалга оширилган ижобий қадамлардан бири бўлди. Адвокатуранинг демократик ҳуқуқий давлат ҳамда кучли фуқаролик жамияти шароитида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш борасидаги тугатган ўрнидан келиб чиқиб, мазкур институтнинг ислох қилиниши суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислохотларнинг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси сифатида эътироф этилаётди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш стратегиясини

белгилловчи узоқ мuddатли, кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чоралар ҳам амалга оширилганлигини айтиб ўтиш керак. Хусусан, терроризмга қарши, жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳамда терроризмни молиялаштиришга қарши, одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонун ҳужжатлари соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини янада кенгайтирди.

Анжуман иштирокчилари мазкур соҳада муваффақиятга эришишини яна бир шарт, бу аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онини юксалтириш бўйича чора-тадбирларни бундан-да фаоллаштириш эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Тадбир давомида иштирокчилар жиноятчиликка қарши курашда инсон ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлаш масалаларида ўзаро фикр ва таърибга алампиллаш, шунингдек, тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан нашр этилган соҳага оид адабиётлар тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Анжуман сўнгида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг шу йўналишдаги фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича тегишли тақдирлар ишлаб чиқилди.

Алишер БОЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Саломатлик

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини таъминлаш масаласига катта эътибор қаратиляпти. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 февралдаги Ўзбекистон Республикасида бадаласиз донорлик фаолиятини ривожлантириш дастури тўғрисидаги қарори ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

## ЯНГИ МАРКАЗ

Наврўз байрами шукуҳи кезиб юрган шу кунларда мазкур қарор ижроси йўлида яна бир хайри иш амалга оширилди, яъни Бухорода худудий қон маркази иш бошлади. — Бухоро ва Навоий вилоятлари тиббий муассасаларига хизмат кўрсатишга мўлжалланган масканимиз 755 миллион сўмлик маблағ эвазига тўлиқ реконструкция қилинди, — дейди марказ бош врачси Бахтиёр Воҳидов. — У «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида Осие Тараққиёт банки томонидан ажратилган маблағ эвазига энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Италияда ишлаб чиқарилган донорлик ўриндиқлари, Японияда тайёрланган музлат-

кич, шунингдек, соҳа учун ноёб саналган плазмаферез, цитоферез, центрифуга каби ускуналар шулар жумласидандир.

Мутахассислар фикрича, худудий қон маркази жуда кўп қулайликларга эга. Энг муҳими, ушбу марказ боис худуддаги даволаш-профилактика муассасаларининг сифатли ва ҳавфсиз донор қон маҳсулотларига талаби қондирилади. Унинг аҳоли, айниқса, ёшларни бегараз қон донорлигига жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда муҳим ўрин тутуши, шубҳасиз.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айниқса, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бу ноидор лойиҳани рўйга чиқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этди. 45 минг нафардан зиёд юрдошларимиз асрий тоғу тошлар, дашту биёбонлар бағрида ёзнинг жазирама, ўт-оташ иссиғига ҳамда кишининг изгирини шамолларига бардош бериб, туну кун мардона меҳнат қилдилар ва ҳаммаси бўлиб 33 ой ичида, мuddатидан 2

қурилишининг ўта мураккаб ва катта маҳоратни талаб қиладиган барча ишлари ўзимизнинг юксак маънадаги мутахассисларимиз томонидан бажарилиши, айниқса, эътиборга сазовордир.

Чиндан ҳам, тоғлар оша Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларини бирлаштирадиган темир йўл қурилади, дейилса, мустабид тузум даврида бунга биров ишонмасди. Чунки бундай мўъжизанинг рўй беришига ақл бовар қилмас эди-да. Истиқбол йилларида Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида бу мўъжиза ўз рўёбини топди.

Президентимиз ушбу темир йўлига туширишга бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан унинг аҳамиятини атрофлича тahlil этиб, бу йўлнинг ҳосиятлари беқиёс эканлигини таъкидладилар.

Авалло, «Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон» темир йўли Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари билан бошқа худудларни боғлайди, бутун мамлакатимиз бўйлаб ягона ва яхлит темир йўл транспорти коммуникация тизимини барпо этишга имкон беради. Ватанимиз бўйлаб темир йўлда юк ва йўлов-

сифатли, қимматбаҳо фойдали қазилмаларни ўзлаштириш учун чексиз имкониятларни очади. Бу икки худудда эса ноёб ер ости бойлиқларининг улкан захираси мавжуд. Фақат 2006 йилнинг ўзида ана шу худудларда 7 та янги йирк қонлар очилди. Уларнинг олти таси нефть-газ, биттаси газ қонидир. Янги темир йўл ушбу қонлар, шунингдек, Дехқонободдаги калий тузи, Бойсундаги улкан кўмир захираси, Хонжизанинг полиметалл қонларидидаги фаолиятни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

транзит мамлакат сифатида имкониятларини кенгайтириш борасидаги салоҳиятини оширади.

Ҳақиқатан ҳам, «Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон» темир йўлининг Ватанимизнинг бугунги кунини ва эртанги ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Президентимиз биз юқорида эслаган нутқида таърифлаб айтганларидек, «...мана шундай беқиёс мўъжизалар яратишга қодир бўлган халқимизнинг меҳнат жаҳдати, Ватанга муҳаббати ва сасодати тилларда дoston, келгуси наслларга ибрат намунаси бўлиб қолади».

Давлатимиз раҳбари 2009 йилнинг асосий якуни ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида, жумладан, мамлакатда темир йўл коммуникацияларини янада ривожлантириш зарурлиги масаласига эътиборни қаратдилар. Чунки, 2010 йилда уларни модернизация қилиш учун 105 миллион АҚШ долларидан кўпроқ маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган. Шунингдек, жорий йилда «Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон» темир йўли линияси ва шу йўналишдаги инфратузилма объектларида қурилуш ишлари якунига етказилади.

Хуллас, темир йўл коммуникацияларини ривожлантириш бўйича юксак мақсад, вазифа ва режаларнинг узлуксиз амалга ошириб борилиши тараққиётимизнинг имкониятларини янада кенгайтиради, Ватанимиз қудратига қудрат қўшади, ҳаёт ободлигини ва турмуш фаровонлигини юксалтиради, қўзлаган олий мақсадларимизга бизни тобора яқинлаштиради.

Михил САФАРОВ, шерҳловчи. Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.



## ЮҚОРИ СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

### ЭЛ САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШДА МУҲИМ ОМИЛДИР

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида энг намунали тез тиббий ёрдам хизмати ходимлари ўртасида ўтказилган кўриктанлов голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Мазкур танлов мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 21 майда қабул қилинган «Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида илк бор ташкил этилди.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ, тиббиётнинг барча бўғинларида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Хусусан, шoshiлич тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш борасида ҳам талай ибратли ишлар амалга оширилаётди. Айни пайтда Республика Шoshiлич тиббий ёрдам илмий марказининг жойларда 13 та минтақавий, 172 та туман ва шаҳар бўлими ишлаб турибди. Бундан ташқари, мамлакатимиз вилоятларидаги 194 та тиббий ёрдам станцияси ва 1500 га яқин тез тиббий ёрдам бригадаси ҳам мазкур тизим таркибиде фаолият кўрсатади.

Ўтган қисқа давр ичида соҳага оид қарор ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар эътиборга моликдир. Замонавий тиббий технологиялардан самарали фойдаланиш, тез тиббий

ёрдам автотранспорти парки ишини ташкил этиш борасидаги чора-тадбирларни бунга мисол келтириш мумкин. Ҳукуматимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги тўғрисида шунингча худудларга уч озадан ортик «Дамас-амбуланс» автотранспортлари етказиб берилди. Жанубий Корея Республикасининг келтирилган «Хюндай» русумли реанимобилларнинг фойдаланишга белгиланган ҳам соҳада амалга оширилаётган эзу ислохотларнинг амалдаги яна бир тасдиғидир. Табиийки, ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида аҳолининг тез тиббий ёрдам хизматида бўлган ишонч янада ортмоқда. Биргина ўтган йил мисолда олиб қаралса, 8 миллионга яқин ҳолатда аҳолига сифатли тез тиббий хизмат кўрсатишга эришилди.

Танловда энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси, унинг энг малакали ишловчилари ҳамда жойдовчиси номинациялари бўйича голиблар аниқланди. Жумладан, Навоий шаҳридаги тез тиббий ёрдам станцияси биринчи ўринга муносиб деб топилди. Республика Шoshiлич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалининг 2-тез тиббий ёрдам станцияси ҳамда Фарғона шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси иккинчи ва учинчи ўринларга сазовор бўлди. Голиб ва совриндорларга «Дамас» машинаси ҳамда қимматбаҳо эсалик совғалари топширилди.

Муборак ОХУНОВА, Ҳасан ПАЙДОЕВ (сурат), «Халқ сўзи» мухбири.


## ИСТИҚДОЛНИНГ БУЮК ҚУДРАТИ

### «Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон» темир йўли қурилиши «Аср мўъжизаси» сифатида эътироф этилмоқда.

Йил олдин, умумий узунлиги 223 километрдан иборат бўлган замонавий энг юксак талаблари ражажасидаги темир йўл халқимиз хизматида топширилди.

Лойиҳа қиймати 447 миллион АҚШ долларига тенг бўлган бу улкан темир йўл бўйлаб 15 та бекат ва тўхташ жойлари бунёд этилди. Уларнинг ҳар бирида энг юқори талаблар даражасидаги техник, ижтимоий-маиший инфратузилмалар яратилди.

Ушбу темир йўлни барпо этишда мамлакатимизга Япония ҳукумати ва мутахассислари яқиндан ҳамкорлик ёрдамларини кўрсатишди. Япония таърибаси денгиз сатҳидан 1800 метр баландиликда, Ҳисор тоғи тизмаларини ёриб ўтган бу хайратомўз йўлни барпо этишимизда, бири-биридан баланд пўлат кўприклар, сув ва йўлўтказгичларни қуришда жуда-жуда асқотганлигини бугун алоҳида миннатдорчилик билан эслаймиз. Шу билан бирга, темир йўл



Шак-шубҳасиз, унинг «Аср мўъжизаси» деб ном олганлиги, аввало, дунёда мисли қўрилмаган қурилиш экани билан изоҳланади. Шу билан бирга, энди мазкур темир йўлнинг мазмун-моҳиятида, унинг мамлакатимиз ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида тутадиган бежиза ўрни ва ноёб истиқболи билан боғлиқ улкан ҳақиқатларда бу мўъжиза давом этаверади.

чи ташиш масофасини 180 километрга қисқартиради.

Шунингдек, мазкур йўл мамлакат иқтисодиётининг жўшқин қон томирларидан бирига айлибди, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг четда қолиб келадиган бой ер ости минерал ресурсларини, нефть ва газ, рангли металл, кўмир ва калий тузи, қурилиш материаллари ҳамда бошқа



Бугунги ютуқларимизга назар ташлар эканмиз, аввало, иқтисодий тизимнинг барча жабҳаларида улкан муваффақиятларни қўлга киритганимиз яққол кўзга ташланади. Бундай ижобий ўзгаришлар ҳамда ютуқлар молия муассасалари фаолиятида ҳам ўз аксини топапти. Айниқса, дунё миқёсида кузатилаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсири кўпгина ривожланган давлатлар молия муассасаларини қийин аҳволга солиб қўйган бир пайтда бизнинг банкларимиз томонидан яхши натижаларга эришилаётгани таҳсинга лойиқдир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида олиб борилган ишлар туфайли корхоналар жадал модернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланди. Банк-молия тизими фаолияти эса янада такомиллаштирилди.

Айтиш жоизки, республикамиз иқтисодий тизимнинг ривожланишида етакчи кучга айланиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки ўзига хос ўринга эга.



«Микрокредитбанк»:

# КИЧИК БИЗНЕС — ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ


## Микросармоялар — ишончли даромад омили

Юртимизда иқтисодий барқарорликни таъминлашда, маълумки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш билан бирга, қўллаб-қувватловчи муаммоларни ҳал этишда ҳам муносиб иштирок этаётгани эътиборга сазовор. Натижада соҳа вакиллари ўз фаолиятлари орқали янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг даромадлари, турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ҳозирги кунда республикамиз янги ички маҳсулотнинг қарийб 50 фоизи улар томонидан ишлаб чиқарилаётгани шундан далолат беради.

"Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банкнинг 81 филиали, 280 та минибанки ва 22 та агентлиги мавжуд бўлиб, улар аҳоли ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларга намунали ва тезкор хизмат кўрсатиб келмоқда. Хусусан, бу банк ўтган уч йил ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни микросармоялаш учун 214 миллиард сўм миқдорда маблағ сарфлаган бўлса, эндиликда у мазкур соҳани тизмалашган университет ташкилот, йирик микрокредитлаш марказига айланди.

Ўтган йилнинг ўзида эса банк томонидан тадбиркорлик субъектларига 148 миллиард 72,5 миллион сўм миқдорда кредит ажратилиб, жумладан, 90 миллиард сўм миқдорда ортик имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Яъни банкнинг микромолиявий хизматлар кўрсатиш ҳажми 2008 йилдагига нисбатан 1,6 баробар ошди. Пировардида, ана шу маблағ ва хизматлар ҳисобига 88 мингдан ортик янги иш ўрни яратилди.

Микромолиявий хизматлар динамикаси (млрд. сўмда)



## Имтиёз имконият демакдир

Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, банкнинг устав жамғармаси 150 миллиард сўм этиб белгиланган эди. Шу би-

ратилди. Қишлоқларда яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини бошлаган 4 минг 451 нафар хотин-қизга 5,6 миллиард сўм маблағ бошланғич сармоя сўфатида берилди. Бу эса, ўз навбатида, банк кредит қўйилмаси миқдорини 32,5 миллиард сўмга ёки 189,3 фоизга ошириб, 68,9 миллиард сўмга етишини таъминлади.

Яна бир эътиборли жиҳати, бултур Вазирлар Маҳамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти томонидан "Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишда микрокредитнинг ўрни" мавзусида илмий тадқиқот ўтказилди. Ушбу тадқиқотда 2006 — 2008 йиллар давомида республикамиз тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига ажра-

та қизиқиш уйғотди.

Андижон вилоятининг Пахтаобод туманидаги Алимардон қишлоғилик Абдурахмон Мирзаев ҳам банк билан ҳамкорлик туфайли ўз фаолиятини ривожлантириб олган тадбиркорлардан бири. У банкнинг моддий қўмаги эвазига қишлоқ марказида аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи шоҳобча қуриб, фойдаланишга топширди.

— Янги гузар чинакам дам олиш маскани ҳисобланади, —

миз, албатта. Бунинг учун Юртбошимизга минг бор ташаккур!

## Микролизинг — тадбиркорлар қаноти

Ички ва ташқи бозор учун рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш, кўп жиҳатдан, корхоналарнинг янги техника ва технологиялар билан қанчалик жиҳозланганига боғлиқ. Бунда, табиийки, аънавий "Uzbekis-

лик субъектларини қўллаб-қувватлаш билан бирга, аҳолига барча турдаги замонавий банк хизматларини кўрсатмоқда. Хусусан, турли қулайлик ва имтиёزلарга эга 23 турга яқин омонатларга банк айланмасидан ташқаридаги пул маблағлари жалб этилапти. Жорий йил бошига келиб, банкдаги аҳоли омонатлари қолдиғи 34,9 миллиард сўмга етди. Банк томонидан ўтган йили, шунингдек, 176 минг дона пластик қарточка муомалага чиқарилиб, улар орқали 124 миллиард сўмлик операциялар амалга оширилди.

Президентимизнинг 2008 йил 31 октябрдаги "Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида"ги қарорига биноан, ҳар йили энг яхши молия муассасалари аниқланмоқда. Ана шу танлов бўйича ўтган йили "Микрокредитбанк" "Аҳоли учун энг яхши инновация маҳсулот" номинацияси бўйича ғолиб, деб топилди.

Бундан ташқари, бултур "Микрокредитбанк" бир қатор хорижий банклар, микромолиялаш марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, улар томонидан юқори баҳо олди. Жумладан, халқаро "Fitch Ratings" компанияси ҳамда "MIX-MARKET" рейтинг агентлиги банкнинг 2009 йилги фаолиятига "Узоқ муддатли барқарор истикболга эга рейтинг"ни берди. "MIX-MARKET" рейтинг агентлиги ҳисоботига қўра эса, "Микрокредитбанк" Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар бериш йўналишида фаолият юритаётган банклар, давлат ва хусусий кредит уюшмалари орасида аҳолига кўрсатаётган микромолиявий хизматлари бўйича энг юқори кўрсаткичларга эришган банк сифатида эътироф этилди.

2009 йилнинг май ойида Сербияда Шарқий Европа ва МДХ давлатлари бўйича Микромолиялаш Маркази (Microfinance Centre) томонидан ўтказилган Халқаро микромолиявий конференцияда ҳам "Микрокредитбанк" иштирок этди. Бу анжуман асосида имтиёзли кредитларни мамлакатимизга жалб этиш ҳамда мижозларнинг таъқиқ иқтисодий фаолиятини ривожлантириш бўйича қўллаб-қувватловчи тадбирлар билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Испаниянинг Мадрид шаҳридаги жаҳоннинг турли ташкилотлари фаолияти сифат кўрсаткичини баҳолайдиган Бизнес ташаббуслари йўналишлари (Business Initiatives Directions) ташкилоти эса "Микрокредитбанк" нинг 2009 йилги кўрсаткичларини халқаро юлдуз совринининг "Олтин категорияси"га муносиб, деб топди.

Банк матбуот хизмати. [1]

## Эътироф этилган далиллар

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан, банкнинг устав капитали қўшимча 72 миллиард сўмга қўпайтирилиб, унинг умумий миқдори 150 миллиард сўмга етказилди;

— нуфузли халқаро "Fitch Ratings" компанияси банк фаолиятига "Узоқ ва қисқа муддатли ҳамда умумий узоқ муддатли барқарор" рейтингларини берди;

— Бутунжаҳон микромолиявий ташкилотларнинг ахборот алмашинуви — "MIX-MARKET" рейтинг агентлиги ҳисоботида кўра, "Микрокредитбанк" 2009 йилда Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар бериш йўналишида фаолият юритаётган банклар, давлат ва хусусий кредит уюшмалари орасида аҳолига кўрсатилаётган хизматлари бўйича энг юқори кўрсаткичларга эришгани учун 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида эътироф этилди;

— Мадрид шаҳридаги Бизнес ташаббуслари йўналишлари (Business Initiatives Directions) ташкилоти томонидан "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки сифат кўрсаткичи бўйича халқаро юлдуз совринининг "Олтин категорияси"га муносиб деб топилди;

— банк хизмат кўрсатишга оид халқаро тажрибаларни чуқур ўрганиш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, микрокредитлаш қўламини кенгайтириш масалалари бўйича Россия Микромолиялаш маркази билан ҳамкорликда семинар-тренинг ташкил этди;

— "Микрокредитбанк" томонидан ўтган вақт мобайнида жаҳон банкнинг 1,1 миллион АҚШ доллариллик, Халқаро тараққиёт уюшмасининг 5 миллион АҚШ доллариллик ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг 222,9 минг АҚШ доллариллик сармоялари жалб қилиниб, улар бир нечта лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилди;

— "Вестерн Юнион" компаниясининг "Тармоқда филиалларни намунали бошқариш" номинацияси бўйича "Микрокредитбанк" ғолибликни қўлга киритди.



тилган микрокредитлар атрофида таҳлил қилинди. Натижада "Микрокредитбанк" мамлакатимизнинг микрокредитлаш тизимида муҳим ўрин тутаётгани, тижорат банклари ичида тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори бўйича етакчи ўринда эканини яна бир бор ўз тасдиғини топди.

## Яратувчилик ва изланишлар самараси

Маълумки, бугунги кунда микромолиявий ташкилотлар фақат маблағ ажратиш ёки хизмат кўрсатиш билан чекланиб қолмасдан, балки мижозлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдалар. "Микрокредитбанк" бу борада ҳам муайян тажрибага эга. Аввало, бу жамоа ўз ишида мижозлар билан мулоқот қилишга катта эътибор бермоқда. Мутахассислар томонидан мунтазам равишда семинарлар, учрашувлар, тадбиркорлик дарслари ўтказилаётди. Бундай тадбирларда аҳолига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни рағбатлантиришга оид ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти батафсил тушунирилиб, банк фаолияти хусусида маълумотлар берилаяпти. Қолаверса, банк ташаббуси билан ташкил этилаётган турли йўналишдаги кўргазма-ярмаркалар ҳам мижоз билан ишлаш қўламини кенгайтирмоқда. Шундай тадбирлардан бири ўтган йили Жиззах вилоятининг Фаллаорол туманидаги Лалмикор кўрганида ўтказилди. Тадбирда микросармоялар эвазига вилоятда ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотлар намойиш этилиши иштирокчиларда кат-

тадбиркор фаолларидан бири Муҳаммадхон Турсунов. — Бу ерда "Paynet" хизмати, устaxonа, новвойхона, ҳатто фин ҳаммоми ҳам бор. Қарангки, эндиликда уйга бирор меҳмон келса, унинг иззатини ўрнига қўйиш учун шу ерга тақлиф этадиган бўлди. Чунки бу ерда турли шарқона таомларни ўзингиз тайёрлашингиз мумкин. Турли устaxonалар хизмати оғиримизни энгил қилаётганини айтмайсизми?! Савдо ҳам банк пластик қарточкалари орқали амалга оширилади. Бир сўз билан айтганда, гузар ишга тушиши билан қишлоғимиз киёфаси тубдан ўзгарди, яъни у кичик шаҳарчага айланди. Бундай оламшумул ўзгаришларга бевосита Президентимиз бошқош бўлаётганини яхши била-

tan Agrominotech Expo" кўргазма-савдоси ва мазкур тадбирда молия муассасаларининг фаол иштироки муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунончи, "Микрокредитбанк" ўтган йилги тадбирда 54 та мижозга микролизинг хизматини кўрсатиб, шу мақсадлар учун 1,3 миллиард сўм ажратди.

Қувонарлиси, ўтган йили банкнинг микролизинг хизматларидан фойдаланган мижозлар сони 246 тага кўпайди. Бунинг эвазига салкам 12 мингга иш ўрни яратилди. Ушбу кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан қарийб икки баробар кўпдир.

## Сарҳисоб

"Микрокредитбанк" кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-



**У**йғониш фаслининг дилларга ажиб бир илқик ва кўтаринкилик бахш этувчи шабадалари эса бошлади. Бу Наврўз муҳаббатидир. Гарчи мазкур айём ҳар йили такрорланса-да, каттаю кичик уни мўъжизани кутгандек орзиқиб қаршилайди. Чунки ёшимиз ва касб-коримиздан қатъи назар, барчамиз баҳорни, баҳорий неъматларни, кўклар нафасини соғиниб яшаймиз.

қайнатишни келаётган янги йилнинг баракали, файзли ва серхосил бўлиши рамзи, деб билганлар. — Халқимизда сумалак нондай қадрланади, — дейди опа сўзини давом эттириб. — Уни тайёрлашда алоҳида тартиб-қоидаларга, маънавий мезонларга амал қилинади. Ҳатто сумалак пи-

лантириш мақсадлари ҳам назарда тутилади. Наврўз удумига, урф-одатга айланиб кетган бу каби тадбирлар, айниқса, ёш авлод қалбида эзгуликка, яратувчанликка ошнолик ҳиссини ривожлантиради. Баркамол авлод йили Наврўзда бу каби тадбирлар ҳар қачонгидан-да кўламли ва салмоқли бўлади.

Байрам арафасида кексалар, ногиронлар ва беморларнинг ҳолидан хабар олиниши, кам таъминланган оилаларга мурувват кўрсатилиши, иззат-икром қилиниши, совға-салом улашилиши мамлакатимизда барқарор аъёнага айланиб қолди. Барча қорхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари ҳамда маҳаллаларда дастурхон ёзилиб, меҳмон кутиш, ҳозирда кексалик гаштини сураётганларни бир пиёла чойга таклиф қилиб, кўнгилларини олиш гўзал одатимиздир. Байрам тадбирлари баҳорнасида халқимизнинг ҳамжихатлик, меҳр-оқибат каби бебаҳо ҳислатлари янада сайқал топиб бормоқда.

Табиат уйғонаётган шу кунларда она-замин бағридан сизиб чиқаётган зилол сувлар, уйғонаётган боғлар, ризқ-рўзимиз унаётган бепоён далаларга боқиб, жаннатмонанд юрт фарзанди эканлигимиздан кўнгилларимиз фахру гурурга тўлади.

ширилган қозонни ювишда ишлатилган сув ҳам дуч келган жойга эмас, мевади дарахт тагига тўкилган.

Наврўз мустақиллик йилларида юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар учун том маънодаги умумхалқ байрамга айлан-

ди. Бир юз ўттиздан ортик миллат ва элатлардан иборат халқимиз уни бир оила фарзандларидек ҳамжихатликда нишонламоқдалар.

Шаҳар ва қишлоқларимизда Наврўзодди хайрия ҳашарлари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш жараёнида ёшларда она-заминга, табиатга меҳр туйғуларини камол топтириш, экологик маданиятни шакл-

Мустақилликнинг ўн тўққизинчи баҳори! Яратганга шукрлар бўлсинки, юртимиз тинч, осмонимиз мусоффо, халқимиз Юртбошимиз раҳнамоллигида эртанги кунга ишонч билан қадам ташламоқда. Янгилиш ва яшариш айёми бўлган баҳор байрами завқи ва нашидасини тўлақонли туйишнинг кафолати ҳам ана шунда. Чунки тинч ва осойишта, барқарор ва фаровон юртгагина байрамлар ярашади.

Ҳабиб СИДДИК.

# ГЎЗАЛ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН НАВРЎЗ

Шарқ халқларининг умр-боқий маънавий қадриятларидан бирига айланган Наврўз бир неча минг йиллик тарихга эга. Эъза манбаларда таъкидланишича, Наврўзнинг юзага келиши коинот ҳамда табиат силари ва қонунларига, яъни Кўёшнинг Ҳамал буржиги кириши, кун ва туннинг вақт жиҳатдан баробар бўлиши, баҳорнинг келиши, табиатнинг уйғониши билан боғлиқдир. Абу Райхон Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарига Наврўзни таърифлаб, "оламнинг бошланиши", деган бўлса, Фирдавсий бу кунни "байрамлар шоҳи", деб атайди. Байрамларнинг энг қадимийси, гўзали ва улғувори бўлмиш баҳор ва янгилиш айёми — Наврўз асрлар оша сайқалланиб, янгича мазмун ва моҳият касб этиб келади. Миллий байрамлар ҳар бир халқнинг гурури ва ифтихориридир. Биз учун ҳам халқимизнинг Наврўз каби миллий қадрият-

лари азиз ва табарруқдир. Мустаҳкам илдишларга эга бўлганлиги учун ҳам Наврўз удумлари, аънавалари, байрам билан боғлиқ урф-одатлар ҳамон давом этиб, сайқалланиб, тақомиллашиб келмоқда.

Наврўз қадим замонлардан буюб бизгача етиб келган эъозли қадриятларимиздан биридир.

— Наврўзнинг тарихи ва ўтказилиш усулларига назар солсак, ундаги оддий халққа тегишли одатлар эътиборни тортади, — дейди андижонлик тарихчи олима, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мурабийиси Дилшодхон опа Қурбонова. — Қадимда байрам кунни одамлар "Ҳаётингиз ширин бўлсин", деб бир-бирларига ширинликлар улашганлар, "Гўзал бўлинг" маъносига гуллар тақдим қилишган, бошланаётган йилда сув кўп бўлиб, мўл ҳосил унишини талаб, бир-бирларига сув сеппишган. Аждодларимиз асрлар буйи Наврўз арафаси дошқозонларда сумалак

## Туйғу

ди. Бир юз ўттиздан ортик миллат ва элатлардан иборат халқимиз уни бир оила фарзандларидек ҳамжихатликда нишонламоқдалар.

Шаҳар ва қишлоқларимизда Наврўзодди хайрия ҳашарлари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш жараёнида ёшларда она-заминга, табиатга меҳр туйғуларини камол топтириш, экологик маданиятни шакл-

Мустақилликнинг ўн тўққизинчи баҳори! Яратганга шукрлар бўлсинки, юртимиз тинч, осмонимиз мусоффо, халқимиз Юртбошимиз раҳнамоллигида эртанги кунга ишонч билан қадам ташламоқда. Янгилиш ва яшариш айёми бўлган баҳор байрами завқи ва нашидасини тўлақонли туйишнинг кафолати ҳам ана шунда. Чунки тинч ва осойишта, барқарор ва фаровон юртгагина байрамлар ярашади.

**КОРЕЯ МИЛЛИЙ НЕФТЬ КОРПОРАЦИЯСИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ АЖОЙИБ БАҲОР БАЙРАМИ — НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ!**  
**БАРЧАГА ҚУВОНЧ, ФАРОВОН ҲАЁТ ВА ОМАД ТИЛАЙДИ.**

IT IS A GREAT HONOR FOR KOREA NATIONAL OIL CORPORATION TO CONGRATULATE THE PEOPLE OF UZBEKISTAN ON THE OCCASION OF THE BEAUTIFUL SPRING HOLIDAY NAVRUZ. WE WISH JOY, WELFARE AND PROSPERITY

**KNOC**  
 Korea National Oil Corporation

**В fido-biznes**  
 Азиз ватандошлар!  
**«FIDO-BIZNES»**  
 компанияси сизларни кириб келаётган баҳор айёми — **Наврўз** байрами билан табриклайди!

Сизга тинчлик-хотиржамлик, соғлиқ ва фаровонлик тилаймиз!  
 Баҳор — янгилиш ва орзулар фасли.

Ушбу қутлуғ айёмда сизларнинг барча орзу-умидларингиз амалга ошишини ва доимо омад ёр бўлишини тилаб қоламиз!

Узбекистон Республикаси Президентининг ҳузурида Давлат ва жамият қурилиш академияси жамоаси Қадрлар бўлими бошлиғи Отабек Болтаева волида муҳтарамаси  
**ТОШБҲУВИ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси ЎзР ФА Физика-математика ва техника фанлари йўналиши бўйича вице-президент кизмати илмий котиби, физика-математика фанлари номзоди Муборак Фафуровага падали бузруквори  
**ВОҲИД** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

**НАВОИЙЛИК ПОЙГАЧИЛАР ҲОЛИБ**  
 Жиззахдаги "Наврўзбулоқ" автодромида мотокросс бўйича Ўзбекистон кубогининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Баркамол авлод йилига бағишлаб ўтказилган мазкур мусобақада мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган 100 нафарга яқин мотоспортчи спортчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритиб, махсус кубок билан тақдирландилар.

**Спорт**  
 Тошкент вилояти жамоаси иккинчи, Тошкент фарга яқин вакиллари эса учинчи ўринни эгалладилар.

**Б. САТТОРОВ,**  
 «Халқ сўзи» муҳбири.

**ОБ-ҲАВО** (19 март)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғади. Тунда 0-5, кундузи 3-8 даража илқ бўлади.

Бўхоро ва Навоий вилоятлари. Қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат кечаси 7-12 даража илқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади. Навоий вилоятининг шимол қисмида эса тунда 0-5, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида қисқа муддатли ёмғир ёғади. Тунда 7-12 даража илқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёмғир ёғиши қўтимолқда. Ҳарорат кечаси 7-12 даража илқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Тунда 8-13 даража илқ, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Қисқа муддатли ёмғир ёғади. Тунда 5-10 даража илқ, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 8-10 даража илқ, кундузи 21-23 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

**KAPITAL SUG'URTA**  
 сугурта компанияси

Ўзбекистон аҳолисини **Наврўз** байрами билан чин қалбдан муборакбод этиб, тинчлик-тотувлик, бахт-саодат ва қут-барака тилайди.

Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, М. Ганди кўчаси, 44-уй.  
 Телефонлар: (8-371) 232-00-02, 232-02-02, 232-02-22.  
 Факс: 237-38-00.

**«ROKA COMPANY»** уруғчилик компанияси

Янги мавсум учун Испаниядан келтирилган юқори ҳосилдор маккажўхори уруғларини таклиф қилади.

Уруғлар сертифициланган ва давлат реестрига киритилган.

Тел.: 257-44-01, 257-44-03, 100-83-13, 382-56-57.

**Халқ сўзи**  
 Народное слово

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 203. 64025 нускада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
 Депохона 233-52-55;  
 Котибият 233-10-28; Ўйлонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғас ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материаллари

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
 100000, ГСП,  
 Тошкент шаҳри,  
 Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
 Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
 Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.  
 Навбатчи — З. Жонбеков.  
 Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 22.55 Топширилди — 23.40 1 2 3 5